

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

ISAAC NYUTON
(1643-1727)



2022

APREL

№39



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

www.tadqiqot.uz
www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
4-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-4**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-4**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 39-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 апрель 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ақтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА
ТУТГАН ЎРНИ**

1. Маматов Зайниддин Мухиддинович
ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ ЭЛЕКТОРАЛ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ..... 7



СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ ЭЛЕКТОРАЛ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Маматов Зайниддин Мухиддинович
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети мустақил изланувчиси

Аннотация: илмий мақолада ёшларнинг сиёсий фаоллиги ва электорал маданияти омили таҳлил этилган. Турли назарий концепциялар асосида сайловларни ўтказиш ва шаффофлигини таъминлашда фуқаролар сиёсий иштироки масаласи очиб берилган.

Калит сўзлар: ёшлар, электорал маданият, сиёсий фаоллик, сайловлар, жамоатчилик назорати, илмий концепция.

Бугунги кунда электорал маданият категорияси ва унинг билан боғлиқ сиёсий ҳатти-ҳаракатлар жуда долзарб ҳисобланиб, сиёсий фанларнинг кам ўрганилган йўналишлардан бири, дейишимиз мумкин. Замонавий жамиятнинг энг долзарб муаммоларидан бири бу аҳолимизнинг ва биринчи навбатда ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этишни масаласи ҳисобланди. Сиёсатшунослик ва социология фанларида фуқароларнинг электорал фаоллигининг умумий қабул қилинган таърифи ҳали мавжуд эмас. Шунга қарамай, бу тушунча турли даражадаги сайлов кампанияларининг боришини таҳлил қилишда, тегишли сайлов натижаларини прогнозлаш ва таҳлил қилишда жуда кенг қўлланилиб келинмоқда.

“Электорал” сўзи “электорат” сўзидан келиб чиққан бўлиб, энциклопедик луғатда: электорат – (лот. elector – сайловчи) – 1) сайлов жараёнида бирон бир дастур, партия ёки номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчилар йиғиндиси; 2) умуман олганда, сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар жамоаси тушунилади. Демак, электорал фаоллик фуқароларнинг турли даражадаги сайловларда иштирок этиш даражасини акс эттиради.

Сайлов фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш механизмидир. Бу борада сайловчиларнинг, тўғрироғи, ёш сайловчиларнинг электорал фаоллиги ва маданияти муаммоси долзарб аҳамият касб этади.

Аҳолининг энг истиқболли қатлами ёшлар ҳисобланади. Бу жамиятнинг асосий электорал захираси: ҳар иккинчи потенциал сайловчи 30 ёшгача бўлган фуқаролардир. Вояга етганлик – бу фуқаронинг давлат ва жамият ишларида иштирок ҳуқуқига эга бўлган ёши, чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ва йигирма бир ёшдан сайланиш ҳуқуқига эгадирлар[1]. Сайловларга эътибор бермаслик мамлакат ижтимоий-сиёсий институтларининг бутун тизимига салбий таъсир кўрсатади, чунки фуқароларнинг хоҳиш-иродаси ҳокимият легитимлигининг дастлабки шарт бўлиб, бу орқали жамоатчилик умидлари рўёбга чиқади, ижтимоий зиддиятлар чекланади ва ҳал қилинади.

Назарий базани таҳлил қилишдан шундай хулосага келиш мумкинки, электорал ҳуқуқатвор – бу фуқароларнинг маҳаллий ёки умумхалқ давлат ҳокимияти органларига сайловларни амалга ошириш, шунингдек, референдумларда иштирок этиш билан боғлиқ фаолияти ва ҳаракатлари мажмуидир[2].

Ёшларнинг электорал фаоллигини оширишга қаратилган давлат сиёсати чора-тадбирларини таҳлил қилиш асосида бу борадаги ишлар изчил олиб борилаётгани ва маълум ижобий натижалар бераётгани билан бир қаторда кўплаб камчиликлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим. Ўйлаймизки, ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатини



тубдан ўзгартириш фақатгина уларнинг ўзларини мамлакатда бўлаётган барча жараёнларнинг ҳақиқий иштирокчиси ва тўлақонли субъекти сифатида англашига боғлиқдир.

Сўнгги йилларда кузатилаётган ёшларнинг сайловдаги фаоллиги маълум даражада ошганига қарамай, ёшларнинг электорал фаоллиги пастлигича қолмоқда. Шу муносабат билан ёшларни сайлов жараёнига кенг жалб этиш бўйича ишнинг асосий йўналишлари ҳамда энг самарали шакл ва усулларини такомиллаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш бугунги кунда асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу борада ҳуқуқий таълим шахсни ижтимоийлаштиришнинг энг муҳим омили ва ҳуқуқий давлат қуришнинг зарур шarti бўлганлиги сабабли, бугунги кунда ёшларнинг ҳам умумий, ҳам ҳуқуқий маданиятини, дунёқарашини юксалтиришни рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга[3]. Ёшлар алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳ бўлганлиги сабабли жамиятдан эътиборни кучайтиришни талаб қилади, чунки ёшларнинг ҳуқуқий маданият учун катта салоҳиятга эга бўлиши, яъни қонунчилик асосларини, шунингдек, давлат ва жамият бошқаруви негизларини билишни назарда тутувчи ҳуқуқий билимга эга бўлиши жуда муҳимдир.

Ҳозирги вақтда ёшлар орасида мутлақо қарама-қарши иккита тенденция мавжуд. Шу тариқа, айрим ёшлар вакиллари мамлакат сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш истагини яққол намоён қилмоқда, бироқ, иккинчи томондан, ёшларнинг барча сиёсий жараёнларга нисбатан апатияси ҳам кўриниш бермоқда. Ёшларнинг фуқаролик етуқлиги, мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатининг энг муҳим кўрсаткичи сайловдаги фаоллик бўлиб, бугунги кунда бу кўп нарсани талаб қилмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, мамлакатимизда сайловчиларнинг, сайлов комиссиялари аъзоларининг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг билим ва кўникмаларини ошириш тизимини яратиш ҳамда такомиллаштириб бориш; фуқароларнинг, шу жумладан ёшларнинг, хотин-қизларнинг, жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг электорал маданиятини юксалтириш; фуқароларнинг сайлов тўғрисидаги ҳуқуқий билимларини, ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш; сайловчиларнинг, хусусан, ёшларнинг сайлов жараёнларида ҳамда овоз беришда бевосита иштирок этишининг аҳамиятини тушунтириш; сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари ҳолисона ёритилишини таъминлаш; замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида электрон ахборот-ҳуқуқий таълим ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш; сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун сайлов ҳуқуқи қафолатларини тўлиқ таъминлаш мақсадида 2021 йилнинг 7 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати кенгашларининг “Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича миллий ҳаракатлар дастури тўғрисида”ги қўшма қарори эълон қилинди[4].

Қарорга асосан аҳолининг электорал маданиятини ҳамда сайлов жараёни иштирокчиларининг билим ва кўникмаларини ошириш бўйича ишлар қуйидагилар асосида таъминланади:

аҳолининг электорал маданиятини юксалтиришни илмий-услубий ва институционал жиҳатдан таъминлашнинг замонавий услубларини ишлаб чиқиш;

сайлов билан боғлиқ ахборотни оммавий ахборот воситаларида ёритишда замонавий ёндашув ва воситалардан фойдаланиш;

сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитиш бўйича замонавий услублар ва воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётда фаол қўллаш;

сайлов комиссиялари аъзоларига услубий, ташкилий ва техник ёрдам кўрсатиш;

ижтимоий шериклик асосида сайлов жараёни барча иштирокчиларининг электорал маданияти ҳамда сайловда иштирок этиш кўникмаларини ошириш;

барча вазифаларни амалга оширишда санитария-эпидемиологик хавфсизликни ва осойишталикни таъминлашга доир талабларга қатъий риоя этиш[5].

Албатта, бу чора-тадбирларни амалга ошириш сайловларнинг ҳалоллигига ишончсизлик анча кучли ва илдиз отгани, кўпинча амалиёт билан мустаҳкамлангани билан мураккаблашади. Аҳоли сайловга қарши эмас, балки уни адолатли ўтишини, сиёсатчиларнинг сайловолди ваъдаларини бажаришини талаб қилади. Катта авлод вакиллари бу борада ўрناق бўлиши билан бирга, ёшларимизга сиёсий ва маънавий мотивация бериши муҳим аҳамият касб этади.



Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XXIII боб, 117-модда. www.lex.uz – Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.
2. Охременко И.В. Электоральное поведение: теория вопроса. Волгоград, 2002. Ч.1. –С.17.
3. Редькин А. Повышение электоральной активности молодежи [Электронный ресурс] / А. Редькин. // [Электронный ресурс] / Режим доступа: http://zhurnal.lib.ru/r/redxkin_aleksandr_aleksandrowich/msu.shtml
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати кенгашларининг “Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича миллий ҳаракатлар дастури тўғрисида”ги қўшма қарори. 2021 йил 7 июнь, 1008-IV-сон. // <https://www.lex.uz/docs/5471516>
5. Ўша жойда.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 4-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.04.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000